O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 15 апрель №78 (3353) Пайшанба

# ЎЗБЕКНИНГ ПЎЛАТ ҚУЮВЧИЛАРИ



Шундоққина азим Сирдарё соҳилларида жойлашган ушбу корхонага Иккинчи жаҳон уруши йилларида пойдевор қўйилганди. Бунёдкорлик ишларига Тошкент шаҳридан, Фарғона водийсидан ва Сурхон воҳасидан минглаб йигитлар сафарбар қилинди. Орадан кўп ўтмай, иншоот ишга туширилди. Аниқроғи, 1944 йил 5 март куни чўян ва темир-терсаклардан саноат усулида биринчи эритма олинди. Шу тариқа Ўзбекистон ўз маҳаллий саноат корхоналари ривожи учун ўта зарур маҳсулот — пўлатга эга бўлди, унинг номи эса Марказий Осиё қора металлургиясининг дастлабки ва энг забардаст иншооти сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Ўша пайтларда корхонада иккита мартен печи, чўян қуйиш, электр-механика, мазут сақлаш цехлари ва электр иссиқлик маркази бўлиб, жами 1380 киши меҳнат қиларди. Вақт ўтиши билан завод ҳар томонлама кенгайиб, цехлар сони ўттизтадан ошиб кетди. Уларда халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун асқотадиган уч бурчакли, ясси ва юмалоқ шаклли темирлар, арматуралар, йигирма турдан зиёд рўзғорбоп сирланган идишлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шунга мутаносиб равишда ишчи-хизматчилар сони ҳам кўпайди.

Яна бир муҳим жиҳати — завод ўсиб-ўлғайгани сайин туб аҳоли орасидан, ўз касбининг ҳақиқий устаси даражасига кўтарилган пўлат қуювчилар етишиб чиқди. Оталар ҳунарини давом эттириш фарзандлар учун хайрли анъанага айланди. Буни ўз даврида донг таратган таниқли ўзбек оловкорлари Ҳафиз Ғаниев, Асад Эргашев, Олим Мирзаев, Анвар Тошпўлатовлар, ака-ука Саид, Шамси, Кўки, Сайфи Нуриддиновлар, Юнус, Бобо, Файзулла Юсуповлар, Банноб, Тожимат, Мухтор, Тожирасул ҳамда уларнинг жигаргўшалари — Абдуқаҳҳор, Абдуваҳоб, Ўктам Мирзаматовлар ўз фидокорликлари ила амалда исботладилар.

Ҳозирги кунда ҳам комбинатда бир қанча пўлатсозлар сулоласи фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Абдураззоқовлар оиласидир. Бу сулолага 61 йил муқаддам оддий деҳқон фарзанди Абдураззоқ ота асос солганди. У қўшни Нов туманининг Бекободга туташ чекка қишлоғидан завод қурилишига отланганди. Корхона фойдаланишга топширилгач, шу ерда

**Воқеа арафасида**

ишлаб қолди. Юкчилик вазифасини зиммасига олди. Вақти-соати етиб, от ўрнини той босди — Иброҳимжон ака ота изидан борди. Металл эритиладиган печларга шихта (руда, шлак, ёқилғи каби аралашмалар) босувчи касбини танлади, Кейин унинг фарзандлари вояга етди. Улар ҳам биринсирин ота ва бобо касби этагидан тутди. Хусусан, Ҳабиба онаси Муборак аяга эргашиб, сирланган идишлар, Собира шиша маҳсулотлар цехида ишлашни ихтиёр этган бўлсалар, Абдураҳмон, Мирзамурод, Анваржон, Тоҳиржон металл эритувчиликни афзал кўришди. Усмонжон эса 2-пўлат қуйиш цехида автомат-пайвандлаш ускунасини бошқаришга киришди. Хонадоннинг катта келини Ҳидоятхон ҳам умр йўлдошию қайинука-қайинсингилларидан "ранг" олди. Заводнинг тиббиёт-санитария қисмида ҳамшира бўлиб ишлашга азму қарор қилди. Қарабсизки, Абдураззоқовлар сулоласининг тақдири боболари қурган, оталари меҳнат қилган корхона ҳаёти билан том маънода уйқашиб кетди. Оиланинг тўнғич фарзанди — электр ёрдамида пўлат эритиш цехи оператори Абдураҳмон Абдураззоқов эса 34 йиллик самарали меҳнатлари эвазига бултур, Президентимиз Фармонига кўра, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди.



Шубҳасиз, ҳозир ана шундай фидойилар жасоратлари туфайли завод ўз мавқеини тобора

(Давоми 2-бетда).

## Ўзаро фойдали битим

***Тошкент (ЎзА мухбири Ж.Раупов).*** "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Уст-Юрть ҳудудидаги Шахпахти конидан қазиб олинган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасидаги ўтган йили Самарқанд шаҳрида эришилган келишувларнинг амалий ижросидир.

Битимни "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Мажидов ва "Зарубежнефтегаз" (Россия) ёпиқ акционерлик жамияти (ЁАЖ) бош директори В.Гулев имзолади. ЁАЖ "Gas Project Development Central Asia" (Швейцария) билан биргаликда "Газпром" (Россия) ОАЖнинг тобе компаниялари ҳисобланади.

Ушбу битим бўйича Шахпахти конига 2004-2007 йилларда газ қазиб олиш ва янги босим компрессор станцияси қуриш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция сарфлаш кўзда тутилган. Бу Қорақалпоғистон Республикасида камида 120 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини ҳам беради.

Конда қурилиш ишларини жорий йилда якунлаш, иккинчи ярим йилликда газни қазиб олишни қайта бошлаш ва барча маҳсулотни экспортга жўнатиш режалаштирилган.

"Ўзбекнефтгаз" ва "Газпром" ўртасида узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари ҳам белгилаб олинган.

## Долзарб масалага бағишланди

***ТОШКЕНТ /ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ/.*** Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва маҳаллий бошқарув идоралари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ), маҳалла кенгашлари ҳамда Тошкент, Самарқанд шаҳарлари, Фарғона водийси УМШ ассоциациялари, АҚШнинг Урбан институти (Тошкент лойиҳаси), халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ташкил этиш масалалари ва мақсадлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, шунингдек, ўзаро ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг демократик маданияти даражасини юксалтириш, маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорлиги, масъуллиги ва ошкоралигини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлигида кўп учрайдиган муштарак муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга доир масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Урбан институти (Тошкент лойиҳаси) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

*Маърифат соати*

*Яқинда қалам аҳлидан уч-тўрттамизнинг бошимиз қўшилиб қолди. Гапдан-гап чиқиб, оддийгина буюмнинг номини тополмай гаранг бўлдик. Деҳқон қишга қовун сақламоқчи бўлса, уни... бир нимага боғлаб, ертўлагами, болохонагами осиб қўяди. Ўша «бир нима»нинг оти нима? Биров қамиш деди, биров қари ланг, яна биров тўр деди. Охири топдик: қовун боғланадиган «ип»ни қўға (қўғай) дейишаркан. Ғафур Ғуломнинг «сават тўқимоққа ярагай қўғай» деган сатри ҳам бор экан...*

# Сўз қадрини билмаган...

Шу воқеа туртки бўлдими, тилимизнинг бугунги ҳолатини ўйлаб қолдим. Яширишнинг ҳожати йўқ, биз она тилимизни масхаралаб, истаган куйга солиб бўлдик. Уни ўйинчоққа айлантириб, ҳар мақомда йўрғалаётирмиз. Хоҳласак, кўндалангига, хоҳласак узунасига «ишлов» бераверив, тилни тилим-тилим қилиб ташладик. Баъзи қаламкашларнинг асарларини ўқиганда елкасини қисиб, қунишиб, мунғайиб ўз маъносидан маҳрум бўлиб турган ғариб сўзларни кўриб, одамнинг эти увишади.

Дангал айтиш мумкинки, кейинги пайтда ёзувчи халқнинг обрўсини тушираётган қусурларнинг бири тил билмасликдир. Бир сўз маъносига етмаймиз, унинг товланишларини ҳис қилмаймиз, истаган атама ёки иборани билиб-билмай, палапартиш қўллавермаймиз. Акс ҳолда «чин муҳаббат»ни «катта муҳаббат» деб, оқшомдаги шабадани «сабо» деб, шум хабарни «мужда» деб ёзмасдик. «Бўкса» билан «ўмган»нинг, «ёл» билан «кокил»нинг, «валиш» билан «бағаз»нинг фарқига борардик. Бир ёзувчи дўстим «Байталнинг сутини ичиб шифо топди» деб ёзибди. Аввало, отнинг сути қимиз дейилади, қолаверса, байтал деб ҳали қулунламаган бияга айтилади, қимизни байтал эмас, бия беради.

Сўзнинг асли-наслини билмаслик, унинг фарқи-нархига бормаслик шу даражага етдики, ҳатто биз оғзимизга келган гапни тап тортмай қоғозга туширяпмиз. Истаган шеър, ҳикоя, қисса ё рўмонда, албатта «қадаҳ айтди» деган иборага дуч келасиз. Жон дўстлар, ахир қандоқ қилиб қадаҳни «айтиб» бўлади? Қадаҳ буюм-ку? Қадаҳни синдириш мумкин, кўтариш, уриштириш мумкин, лекин уни «айтиш»... Ўзбек тилида минг йилдан бери ишлатилиб келаётган «алёр» деган чиройли сўз бор. Бурунги замонларда бўзахўрлар косани қўлга олиб, «Қани, ҳей, алёр бўлсин-ей, алёр» дейишган. Фалон киши қадаҳ кўтариб алёр айтди, десак тўғри бўлади.

Шу ерда бир мулоҳаза туғилади. Тилимизнинг бойлиги, тозалиги учун курашадиган, тилдаги, айниқса бадиий тилдаги бундай курмакларни териб, сўзни ўз ўрнига қўядиган зукко муҳаррирлар-чи, уларнинг кўзи қаерда эди, дейсиз? Афсуски, «зукко» муҳаррирларнинг муборак кўзойнаклари ҳам пурмаъно ва нозик сўзларни фарқлашга келганда баъзан хира тортиб қолади. Масалан, ўзимдан қиёс. Бир сафар «бачкана махси» деб ёзган эдим, хунук махси деб тузатиб қўйишибди. (Асли бачкана - болаларники дегани) Акашак, ажива, ўймоқ, ўкча, эрин, бурноғи йил... десангиз, бу ўзбекча сўзлар эмас, дея тагига қизил қалам тортадилар. Ҳолбуки, мазкур сўзлар ўзбекча-русча луғатда 30-йиллардан бери борлигини бечора муҳаррир билмаса керак.

Ҳозир бадиий адабиётда ғалати, янги услуб, янги бир тил пайдо бўлди. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди. Уни на ўқиб бўлади, на тинглаб. Туппа-тузук воқеа, қаҳрамон бўлса арзийдиган одамлар тўғрисида ёзувчи гапни чувалаштириб, чунон ёзиб кетаверадики, авволига нима деяётганини тушунмайсиз. Жумланинг охирига етолмай нафасингиз қайтади.

Бадиий тил деганда биз, тимсолни, мажозни тушунамиз. Таассуфки, гоҳо ўнлаб ҳикоя, қисса ўқийсизу, юракни жиз этказадиган бир ташбиҳ, ялт этган бир лавҳа ёки истиора, ўрнида ишлатилган муқояса, умуман, бадиий кашфиёт тополмайсиз. Муаллиф ва асар қаҳрамонининг тили билан ёш йигитнинг лафзларида деярли фарқ йўқ. Халқнинг жонли, ширадор, лўнда тили ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Бир мисол. Туппа-тузук, тажрибали бир ёзувчининг очеркини ўқиб, «чорва етти хазинанинг бири, дея чўпон бобо бекор айтмади. Ҳа, чорванинг турган-битгани кони фойда» деган жумлага кўзим тушиб қолди. Аввало, ўша ёзувчи айтган оқсоқол чорвадор бўлмаса керак. Агар чорвадор бўлганида ҳалигидай сийқаси чиққан гапларни эмас, ҳақиқий қўйчивону чўпонларга хос маънили, ўйноқи ва лўнда гапни айтарди. Асил чорва аҳли бундоқ дейди: «Молнинг эти томоғингга боп, териси оёғингга қоп ( этик), мугузи пичоғингга соп, ичаги қўйбизингга таноб».

Бундай иборани эшитиш учун оддий одамлар ичида юриш керак. Халқ учун ҳадеб янги ибора, янги мақол ё матал тўқиб бериш шарт эмас. Жилла қурса, унинг ўз хазинасини пухта ўрганиб, қаҳрамон тили орқали тағин ўзига қайтариш ҳақида гапиряпман. Халқ даҳоси яратган латифалар, ҳазиллар, муқаллидлар, лофлар, топишмоқлар, чўпчаклар, айтишувлар, лапарлар, ўхшатишлар, мақоллар, ривоятлардан мен қандай фойдаландим, асарларимда уларнинг бир учқуни борми, деб бот-бот ўйлаб турайлик, демоқчиман.

Яқинда машҳур муаррих Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сини ўқиб ўтириб, қизиқ бир ҳужжатга дуч келдим. Амир Темур вафотидан уч-тўрт йил бурун Шомийни ўз ҳузурига чорлатади. «Бизнинг қилган ишларимизни жамлаб бир тарих китоби битсангиз», дейди соҳибқирон. Тарихчи ҳайрон бўлади: «Ахир онҳазратнинг улуғ амаллари хусусида бисёр китоблар битилмиш. Бул банда тағин не дегайман? Соҳибқирон Шомийнинг олдига масалани кўндаланг қўяди:

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда



## «Табиат барчамиз учун ягонадир»

Марказий Осиё ҳудудида жаҳоннинг энг буюк тоғ тизмаларидан бири Тянь-Шань жойлашган. Пурвиқор қоялари абадий музликлар билан қопланган ушбу тоғ икки қисмга — шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Чотқол, Тоғай, Фарғона, Қоратов ва Қурама чўққиларидан иборат бўлган Ғарбий Тянь-Шань Марказий Осиё табиатига алоҳида кўрк бағишлайди. Унинг яна бир эътиборли томони ер юзининг бошқа минтақасида учрамайдиган ҳайвоноту нობотот оламига эгалигидир.

Ушбу ҳудуд биохилма-хиллигини сақлаш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланиб қолган. Шу мақсадда бундан бир неча йил муқаддам Глобал Экологик Фонд Ғарбий Тянь-Шань биохилма-хиллигини асраш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳасини амалга оширишни бошлади.

Кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ушбу лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар, Ғарбий Тянь-Шан ўрмонларини асрашда лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Анжуманда сўзга чиққан соҳа мутахассислари, олимлар лойиҳа моҳиятига алоҳида тўхталдилар.



Тадбир сўнггида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ГЭФ ЖБнинг Ўзбекистон Миллий бўлими томонидан эълон қилинган Чотқол табиатини тараннум этувчи энг яхши бадиий асарлар танлови ғолиблари тақдирландилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Жойлардан хабарлар

## Мини банк — фермер таянчи

**Ер қишлоқ мулкдорлари тасарруфига ўтгандан сўнг Мингбулоқ туманидаги собиқ "Гулистон" ва "Фарғона" ширкат хўжаликлари ҳудудида фермерлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш шоҳобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, ҳар икки ҳудудда "Тадбиркорбанк" туман бўлимининг мини банки иш бошлади. Мижозлар бу қулайликдан мамнун.**

**Улар эндиликда пахта ва ғалла етиштириш учун бериладиган мақсадли кредитни ҳам шу ердан олишади.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ЮСАИД Болалар спорти ҳомийси

**АҚШ ривожланиш агентлиги — ЮСАИДнинг "SHEP" спорт ва саломатлик дастурига кўра, Фарғона вилоятининг олис қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантиришга яқиндан кўмак бериляпти.**

**Ўзбекистон туманидаги 11- мактабда дастур доирасида Спорт ва саломатликни тарғиб қилиш режаси бўйича тадбир бўлиб ўтди. 5 кун давом этган тренингда спорт беллашувларидан ташқари, қатнашчилар компьютер машқлари, соғломлаштириш курсларида ҳам иштирок этдилар.**

**Худди шундай тадбир Кува туманидаги 4-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди.**

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Хайрия тадбири

Кеча пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси "Баткившина" украин маданият маркази билан ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда тарбияланувчилар болалар ижодий гуруҳларининг чиқишларини томоша қилдилар. Тадбир сўнггида ташкилотчилар болажонларга ўз совғалари — санитария-гигиена воситалари, бадиий адабиётлар, мумтоз адабиёт намуналари ёзилган аудиокассеталар, боллар журналларини тақдим этишди.

**М. ТОЖИЕВА.**

"Халқ сўзи" назоратида



## Режага киритилди

Газетамизнинг шу йил 19 февраль сонида боғотлик Ф.Жумабоев шикоят хати асосида "Носоз кўприк" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда "Тошкент" ширкат хўжалиги ҳудудидан ўтувчи канал устига қурилган кўприк транспорт бошқарувчилари учун ноқулайлик туғдираётгани баён этилган. Мазкур мақола юзасидан Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Р.ЮЛДАШЕВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича, *ҳақиқатан ҳам, канал устига қурилган кўприкнинг техник ҳолати талабга жавоб бермаслиги аниқланган.*

*Кўприк "Хоразмавтойўл» шўъба ташкилоти балансида бўлиб, ҳозирги кунда шу ташкилот томонидан кўприкни капитал таъмирлаш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган. Бу ишларни бажариш шу йил режасига киритилган. Вилоят ҳокимлиги мазкур ишларнинг ижросини назоратга олган..*

## Йод етишмовчилиги барҳам топадими?

Мазкур мавзу бугунги кунда дунё миқёсидаги муаммо бўлиб қолди. Чунки йод етишмовчилиги киши организмида салбий ўзгаришларни келтириб чиқариб, турли хасталиклар, хусусан, бўқоқнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Республика "Ўзозиқовқатсаноат" уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда айнан шу ҳақда сўз борди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология институти, "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси раҳбарлари иштирок этиб, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталдилар. Айниқса, Эндокринология институти раҳбари Саид Исмоиловнинг маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Биз ҳар куни гўшт емаслигимиз ёки бошқа маҳсулот тановвул қилмаслигимиз мумкин, аммо бирор кунимиз туз истеъмолисиз ўтмайди, — деди у. — Демак, асосий йод ҳам туз таркибида бўлиши керак. Истеъмолга киритилаётган тузда албатта, йод бўлиши шарт. Бунинг учун эса тегишли ташкилотлар ўзлари чиқараётган маҳсулотлар сифати ва таркибига жиддий ёндашишлари лозим. Ушбу йиғиндан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**М. ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Олий Мажлис XIV сессияси олдидан*



# Қонун аниқликни талаб қилади

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги ўн тўртинчи сессиясида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинади. Ушбу Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланган ва тегишли таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилган эди. Назаримда, ушбу қонун янада мукаммал бўлиши учун лойиҳага айрим ўзгартиш ва тузатишлар киритиш лозимга ўхшайди.

Жумладан, қонун лойиҳасига разм солинса, 3-модданинг 3-хатбошиси билан 4-модданинг 3-хатбошисида келтирилган қоидаларда номутаносиблик кўзга ташланади. Шунинг учун 3-модданинг 3-хатбошисини «Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир сайлаш ёшига етган иштирокчиси бир овозга эга», деб кўрсатилиши 4-модданинг 2-хатбошисида белгиланган қоидага зид келмаслигини таъминлайди.

5-моддада оқсоқоллар ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда сайлов қандай ўтаётганлиги оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши эътиборга олинган, лекин номзодларнинг тарғиботи ҳақида гап йўқ? Тарғибот қилинадими ёки йўқ. Тарғибот қилинса, қандай шартлар асосида амалга оширилади. Бу, қоида тариқасида, белгилаб қўйилса, яхши бўларди.

9-моддада «...ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш» ҳақида гап боради. Тушунарлики, комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан тузилади. Энди комиссия аъзоларини маҳаллий ҳокимиятга ким тақдим этади? Фуқаролар йиғинларими ёки маҳаллий вакиллик органлари томонидан тузиладими? Бунга аниқлик киритилиши тушунмовчиликнинг олдини олиши шубҳасиз. Шунингдек, комиссия аъзолари таркиби неча кишидан иборат бўлиши ҳам, қоида тариқасида, белгилаб қўйилса, фойдадан холи бўлмайди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари комиссия таркибига киритилиши ёки киритилмаслиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бу эса Қонуннинг жойларда ҳар хил талқин этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Умумий ҳолда комиссия ва ишчи гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари алоҳида модда ёки моддалар шаклида ёзиб қўйилса, ўринли бўларди, деб ўйлайман. Айтайлик, комиссиянинг ишчи гуруҳини шакллантириш, сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юритиш, ўзаро маслаҳатли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ишчи гуруҳининг сайлов жараёни бўйича комиссия олдида ҳисобдор бўлиши ва ҳоказо.

15-моддадаги оқсоқол вазифасига номзодлар «...тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши...» лозимлиги ҳақидаги жумла ноаниқ бўлиб, турлича талқин этилиши мумкин. Шунинг учун маълум муддат, бизнингча, камида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда муқим яшаётган бўлиши лозимлиги қайд этиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, шу жойда номзоднинг ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибасига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бу қонуннинг яхши жиҳати.

Номзоднинг оқсоқол бўлиб сайлангандан кейинги фаолиятини ҳам олдиндан эътиборга олиш лозим кўринади. Баъзан айрим оқсоқолларнинг бошқа жойда ишлашининг ҳам гувоҳи бўламиз. Бошқача айтганда бу икки қайиқнинг бошидан бир вақтнинг ўзида тутишдай гап.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови йиғинда иштирок этиши лозим бўлган шахсларнинг нечтаси ёки фоизи иштирок этганда қонуний ҳисобланиши ҳақидаги қоида 24-моддага киритилишини сайлов жараёни тақозо этади. Чунки сайлов белгиланган вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра овоз берувчи шахсларнинг маълум қисми келолмай қолиши мумкин.

25-моддада сайлов чоғида йўл қўйилган қонунбузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги айтилган. Лекин судга ким томонидан ва қайси муддатда мурожаат қилиниши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу, албатта, жуда муҳим аҳамиятга эга масаладир.

Юқоридаги каби айрим фикр-мулоҳазаларнинг инобатга олиниши қонунларимизнинг мукаммаллигини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**М. НОРМУРОДОВ,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис депутати.**

# ЎЗБЕКНИНГ ПЎЛАТ ҚУЮВЧИЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкамлаб бормоқда. У мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мустақиллик йилларида бу ерда янги тармоқлар ишга туширилди. Жумладан, электр токи ёрдамида пўлат эритиш цехи реконструкция қилингач, бир кеча-кундузда 700 тоннагача эритма олиш имкони туғилди. Бундан ташқари, арматура, бурчакли темир, қувур тайёрлашнинг энг замонавий технологиялари жорий этилди. Натижада маҳсулот тури ва миқдори янада кўпайиб, сифати яхшиланди. Тоғ-кон металлургия корхоналарида, цемент заводларида, олтин қазиб олишда ишлатиладиган 67, 100, 120 миллиметрлик пўлат зўлдирлар ясаш йўлга қўйилди. Заводда тайёрланаётган аргон гази, турли ҳажмдаги пўлат симларга, бинокорлик михларига ҳам буюртмалар кўп. Халқ истеъмоли моллари эса харидоргирдир.

Албатта, ислоҳотлар жараёнида комбинатда ҳамма ишлар бир маромда борди, деб бўлмайди. Жамоа аҳли оғир дамларни, пўлат қозонлар маълум муддат совиб қолган кунларни ҳам бошидан кечирди. Лекин улар бундан чўчимадилар, ҳатто хомашё — темир-терсак парчалари танқис бўлиб қолган кезларда ҳам тушкунликка тушмадилар. Бу муаммони ижобий ҳал этишда, очиғи, уларга "Иккиламчиқоранглиметалл" акциядорлик жамияти ва «Ўзиккиламчиқораметалл» шўъба корхонаси жамоалари яқиндан кўмаклашмоқдалар. Йилига ўртача 560 минг тонна атрофида темир-терсак парчалари етказиб бермоқдалар. Бунинг самараси сифатида ўтган йили комбинатда 472 минг тонна пўлат эритилди, буюртмачиларга 446,5 минг тонна миқдорида прокат маҳсулотлари жўнатилди. Пўлат зўлдирлар ишлаб чиқариш 123,2 минг тоннани ташкил қилди. Шунингдек, 2 миллиард 506 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, 41 миллион 936 минг АҚШ доллари миқдорида прокат маҳсулотлари эса экспортга чиқарилди.

Комбинат аҳли жорий йилнинг дастлабки чорагида қўлга киритган ютуқлар ҳам қувонарлидир. Хусусан, пўлат эритиш режаси 106,9 фоизга, прокат маҳсулотлари тайёрлаш ва зўлдирлар қуйиш 101 фоизга бажарилди. Четга маҳсулот жўнатиш 148,3 фоизга етди. Шунга мувофиқ, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорликлари ошиб, турмушлари фаровонлашиб бораяпти.

Энг муҳими, корхона иқтисодиёти мустаҳкамланган сайин Бекобод шаҳри ҳам гуллаб-яшнаб, тобора чирой очаяпти. Бу гўшада металлурглар учун кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший шохобчалар, спорт иншоотлари, хиёбонлар, тиббиёт муассасалари, дам олиш масканлари барпо этилган. Комбинат раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаб, дам олиш кунлари ва таътилларини мароқли ўтказишлари, саломатликларини тиклашлари учун имкон қадар кўмаклашмоқда. Комбинатнинг Бўстонлиқ туманидаги "Металлург" пансионати, шаҳардаги 125 ўринли тиббий соғломлаштириш қисми, поликлиника, профилакторий, теннис корти, 5600 томошабинга мўлжалланган стадион, болаларбоп ҳамда А.Анохин номидаги спорт мажмуалари, маданият саройи, кутубхона, истироҳат боғлари ишлаб тургани фикримизнинг далилидир.

Бугун бекободлик металлурглар Ўзбекистон оғир саноати тизимида ўзига хос салоҳиятга эга қадрдон комбинатларининг 60 йиллик тўйини мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ҳолда кутиб олмоқдалар. Шубҳа йўқки, уларнинг қўлида сувдек эриб қолипларга қуйилган, сўнгра турли шаклда чиғирланиб, хомашё ва тайёр маҳсулотга айланган пўлат прокатлари бундан кейин ҳам ҳар жабҳада мамлакатимиз эҳтиёжи ва халқимиз корига ярайверади.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири,**
**Турсунали УСМОНОВ**
**журналист.**

## *Хабарлар оқимидан*

### «Осиё мевалари» жаҳонга чиқади

Навоий шаҳрида "EAST FOOD" — "Осиё мевалари" корхонаси бир кунда 350 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Италия технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ушбу корхонада 70 нафардан зиёд ёш меҳнат қилаётир.

Корхонада тайёрланаётган томат қайласи, турли консервалар, "Ассорти" газаклари аллақачон ўз доимий харидорларини топган.

— Айни кунларда янги мавсумга тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ж. Эгамбердиев. - "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқли саховатли заминимиз меваси - "EAST FOOD" - "Осиё мевалари" маҳсулотлари ҳадемай жаҳон бозорларини ҳам забт этади.

**Б. САДРИДДИНОВ.**
**Навоий шаҳри.**

### «Мен ўзимни топмасам...»

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг журналистлар билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Хонанданинг шу йил 15-29 апрелда бўлиб ўтадиган «Мен ўзимни топмасам...» номли янги концерти олди мулоқотига йиғилганлар дастур билан боғлиқ саволларига жавоб олдилар. Ю. Усмонованинг таъкидлашича, ўтган йилгилардан фарқли равишда мумтоз қўшиқлар билан бойитилган концерт дастуридан 20 та қўшиқ ўрин олган. Мулоқотда, шунингдек, бугунги ўзбек эстрадаси, қўшиқчилигига оид масала ва муаммолар ҳақида ҳам сўз борди.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Заҳарли томчилар»

Пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида "Заҳарли томчилар" спектакли намойиш этилди. Тоҳир Маликнинг "Алвидо, болалик" асари асосида саҳналаштирилган ушбу спектакль болалигиданоқ қийинчилик кўрган ўсмирлар ҳаётини ўта таъсирли қилиб очиб берган. Режиссёр Бахтиёр Позилов, бадиий раҳбар Олимжон Салимов, артистлардан Ғулом Хўжаев, Раҳматулло Қурбонов ва Акром Исломовларнинг меҳнати туфайли саҳна асари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Шукрона



*Ҳусан отадаги ғайрат-шижоатни кўрган киши унинг саксон ёшдалигига ишонмаслиги аниқ. Оппоқ соқоллари ўзига жуда ярашган отахонни ҳеч вақт бир жойда учратмайсиз. Гоҳ ўзи оқсоқоллик қилаётган 8-Бўз маҳалласида, гоҳида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида, баъзан маҳалладаги хонадонларда учратиб қоласиз. Ҳар доим бир ташвиш, безовталик билан юради. Ташвишки — элники, ўз маҳалласида яшовчи чақалоқдан тортиб нуроний отахону онахонники! Ахир бир рўзғорда қанча каму кўст бўлади-ю, у бутун маҳаллага бош-қош — осонми ахир...*

*Мен боғча давримни эсласам ҳам отахонни кўргандай бўламан. Негаки, боғчадаги байрамлар, оммавий тадбирларда, албатта, Ҳусан ота қатнашарди ва ҳаммамизни табриклаб, совға-салом улашарди. Ҳозир ҳам бу маскандаги бирор тадбир унинг иштирокисиз ва муруввватисиз ўтмайди. Маҳалла қўмитаси фондидан ёки ҳомийлар томонидан, албатта, ёрдам уюштирилади.*

*Хуллас, 8-Бўз маҳалласи остонасидан норизо бўлиб кетган инсонни учратмайсиз.*

*— Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин, — дейди Ҳусан ота Шомуродов. — Вазиятни тушунтириб айтсанг, хушмуомала бўлсанг, ҳомийлар ҳам топилавераркан. Ёки тўрачилик қилиб юрганлар ҳам салом бериб келаркан ёнингга. Ночор, бемор ёки муҳтож одамга нафақат моддий ёрдам, ширин сўз ҳам керак. Савобни бутун олай десангиз сўзингиз билан амалингиз бир бўлсин, муштарак бўлсин.*

*Дарҳақиқат, биз фотомухбир Нўъмонжон Муҳаммаджонов билан отахоннинг ҳузурига борганимизда уни неваралари даврасида (суратда) учратдик ва Ҳусан отанинг ширин-ширин лутфидан баҳраманд бўлдик. Савобга, меҳр ва мурувватга эш бу инсоннинг истиқлолни улуғлаб айтган гаплари ва шукроналари бугунги ёшларимизнинг-да умрларига бир мезон эканлигини англадик ҳамда отахонга сиҳат-саломатлик тилаб хайр-хўшлашдик.*

**Азамат МАТЁҚУБОВ,**
**ЎзДЖТУ толиби.**

# Сўз қадрини билмаган...

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Шу услубда ёзилган, ташбеҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар йўқолиб кетади, агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан бирортаси фаҳмлаб қолса-қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди».

Шомий Амир Темурнинг мақсадини фаҳмлади ва деди: «Олимлар мақбул сўз ҳақида шундоқ демишлар: яхши ва равон сўз улдурким, авом халқ унинг маъносини англагай, хос кишилар эса, унга айб қўймагай». Соҳибқирон тарихчини қувватлаб, «Мен ўшандоқ сўзни хоҳлайман!» деди.

Шундан кейин Шомий Амир Темурнинг зафарли юришлари-ю савоб ишлари ҳақидаги жами китобларни тўплади, уларни қайта-қайта мутолаа қилди. Ўзи айтмоқчи, «ортиқча сўзлардан, такаллуф-у безак бериш, лоф уриш зийнати»дан холи асар яратишга киришди. Баландпарвоз, тумтароқ сўзлардан бегона, содда, равон, қора халқ ҳам тушунадиган «Зафарнома» асари шу тариқа дунёга келди.

Бу ерда Амир Темурнинг наинки ижодга, ҳатто тилга ҳам муносабати яққол кўриниб турибди.

Камина ушбу ибратли воқеа баҳонасида нима демоқчиман? Биз ҳам ижодда халқона соддаликка (олийлик, жўнликка эмас, соддаликка) интилайлик. Сир эмас, баъзи бир ёш, истеъдодли ёзувчиларимиз бўлар-бўлмасга «ақл сўқади», илмларини пеш қилмоқчи бўладилар. Ҳатто кетмончини ҳам олимга ўхшатиб гапиртиришади. Тилни шунақа бураб ташлашадики, жумланинг охирига етгунча бир чой ичиб олгинг келади. Бадиий ижод-илми ҳол меваси, илми ҳол эса бу ҳикмат, фалсафа, соф маърифий неъмат. Абдулла Қодирий, Ойбек домла, Мақсуд Шайхзода аслан буюк файласуфлар эди. Улар ҳам, мураккаб иборалар воситасида, «зебу оройиш» бериб ёзишлари мумкин эди. Унда «Ўтган кунлар», «Навоий», «Мирзо Улуғбек» эл ичра бу қадар шуҳрат қозонмас эди.

Мен ақл билан юракни ўзаро қарши қўяётганим йўқ. Фақат юракдан айтилган ақл гап ўз талабгорига етиб борадиган шаклда, услубда айтилса эди, демоқчиман, холос. Мавлоно Огаҳий айтадилар: «Билмаган сўз қадрини не билгуси ўз қадрини». Ҳаққи рост.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

## *Долзарб мавзу*

*Ўн йил бурунги ҳаёт билан бугунимизни таққосласак, каттагина фарқи бор. Бу турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда ҳам яққол сезилади. Илгари муаммо ҳисобланган, осонликча рўёбга чиқмайдигандек кўринган орзу-ҳавасларимизга аста-секин эриша бошладик. Айниқса, қишлоқларимизда турмуш даражаси ўсганлигини қувонч-ла айтамиз. Лой кўчалар тош кўрди, асфальт кўрди. Текис йўллардан маданият, маърифат оқиб кела бошлади. Кўзларига тутун кириб, қўланса ҳиддан бўғилган хонадон бекалари табиий газ ҳузурини кўрмоқдалар. Юзлаб-минглаб қишлоқлар табиатнинг бебаҳо инъомидан баҳра олмоқда. Худди шундай ҳолни Андижон вилоятининг чекка қишлоқларида ҳам кўриш мумкин.*

# ОЛОВИ ЁҚАДИЮ ТЎЛОВИ ЧАҚАДИМИ?

Вилоятда аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораяпти. Шунга кўра, ҳар йили юзлаб километр масофага газ қувурлари тортилади. Натижада газлаштирилган қишлоқлар сони кўпаймоқда. Маҳаллаларга биргина ўтган йили 121,1 километр узунликда газ қувури кириб боргани фикримиз далилидир.

«Вилоятда табиий газ билан таъминланиш даражаси қандай?» деган савол туғилиши табиий. Очиғи, кўрсаткичлар ёмон эмас. Ҳозиргача аҳолининг «зангори олов»га бўлган эҳтиёжини қондириш 68,9 фоизга етган. Газ ҳисоблагич ўрнатиш 43 фоизни ташкил қилади. Хўш, бу рақам янада юқори бўлиши мумкин эдими? Албатта. Лекин...

Масалага ойдинлик киритиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Аҳоли фикрига қулоқ тутдик. Мутахассисларнинг тавсиясини ўргандик. Пировардида ҳақиқий аҳвол кўз ўнгимизда намоён бўлди...

Турган гап, табиий газ уйимизга ўз-ўзидан оқиб келмайди. Уни аҳолига етказиш учун сарф-харажат керак. Ахир бундан беш йил муқаддам Хўжаобод ерости газ омборининг очилишида бу бойлик ўз-ўзидан хонадонларда ёнмаётганлиги айтилганди-ку?! Мутахассислар табиий ҳолати ноқулай қишлоқдан-қишлоққа қувур ўтказиш учун ҳафталаб-ойлаб бош қотиришади.

Бу гапларни айтишдан мақсад — баъзилар шу оддий ҳақиқатни ўйлаб кўришмайди. Билмадим, ундайларни ким дейиш мумкин?! Нарёғини ўйласангиз табиат инъом этган бу бойлик ҳам тубсиз кон эмас, чегараланган. Демак, ундан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйиш худбинликдир. Лекин вилоят аҳолисининг маълум қисмида бу ҳақда тушунча саёз. Бир дона гугурт чўпини қизғаниб, уззу кун газ плиталарини ёқиб қўяётганлар ҳам қанча. Ёки газдан ноқонуний, ўз билганича фойдаланиб, пул тўлашдан қочаётганлар ҳам оз эмас...

«Андижоншаҳаргаз» филиали маъмурияти аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб ўтган йилнинг ўзидаёқ талайгина ишларни бажарди. Хусусан, газ таъминоти етарли бўлмаган кўчаларга эътибор қаратилди. Истеъмолчиларнинг талабини қондириш учун маблағлар ажратилиб, керакли жиҳозлар олинди. Натижада Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасидаги кўп қаватли уйлар газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1340 погонметр газ қувури ётқизилди.

«Янгибозор» ҳудуди ва унинг ён-атрофидаги баъзи кўчалар аҳолиси ҳам бундай эътибордан баҳраманд бўлди. Уларнинг эҳтиёжи учун 811 метрлик жойга қувур ётқизилди. Шунингдек, «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғинининг П.Эгамбердиев кўчасида яшовчиларга ҳам шароит яратилди: турли ҳажмдаги 1290 метр узунликдаги қувур ётқизилди.

Хўш, бу ғамхўрликка нисбатан истеъмолчилар қандай муносабатда бўлишмоқда?

Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади», деган нақл бор. Албатта, бир томон ҳаракат қилганда, иккинчиси қараб турмаслиги керак. Демоқчи бўлганимиз, аҳолининг маълум қисми газ пулини тўламаяпти. Масалан, шаҳарнинг қоқ ўртасида яшовчи Мадаминовнинг қарзи 86370 сўм бўлса, А.Халиловнинг қарзи 87247 сўмга етган. Б.Рустамов 61 минг сўмни тўламай юрибди. Л.Мамажоновнинг гарданида 68217 сўм турибди. Фуқаро М.Маҳмудовнинг қарзи эса 113424 сўмга чиққан. Хўш, нега шундай? Газнинг хизмати ёқади-ю, пули чақадими? Холисанилло айтганда, фойдаланилган нарсангизнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиб, пулини тўлаш керакми, йўқми? Ахир маҳалла-кўй, қўни-қўшни нима дейди? Уят эмасми?

— Ҳозир энг долзарб муаммолардан бири дебитор қарзларни ундириш бўлиб қолди, — дейди «Андижоншаҳаргаз» филиали директори Улуғбек Раҳматуллаев. — Ҳокимиятдан, маҳалладан вакил олиб, уйма-уй кириб чиқишга тўғри келаяпти. Маҳалла оқсоқолидан уяладими, ҳокимиятдагиларни ҳурмат қиладими, ҳар холда, натижа бўлаяпти. Лекин ҳамиша ҳам эмас. Қарзни ўз вақтида тўлашни кўра-била пайсалга солаётганлар ёки бўйин товлаганлар учрайди. Ҳеч гап таъсир қилмагач, ундайларнинг хонадони газ тармоғидан узиб қўйилмоқда.

Албатта, бу жуда оғир гап. Қариндош-уруғинг, қуда-андангни пулини вақтида тўлагани учун табиий газни ёқиб, уйида мазза қилиб ўтирса-ю сен овқатингни пиширолмасанг, одамлар устингдан кулмайдими?

Дарвоқе, табиий газдан ноқонуний фойдаланилаётганлар ҳақида. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Кимнинг қурби нимага етса, марҳамат. Ҳамиша имконият муҳайё. Биров цех очади, бошқаси дўкон. Яна кимдир ошхона, хуллас, имкониятдан фойдаланиш чегараланган эмас. Бироқ тадбиркорлик фаолияти қонун доирасида бўлиши шарт. Афсуски, айрим «тадбиркор»лар бундан бехабар кўринадилар. Негаки, табиий газдан фойдаланишдаги қонунбузарликларнинг аксариятини сохта тадбиркорлар содир этмоқдалар.

Қўрғонтепа шаҳридаги «Шаҳрихонсой» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Бекзод Тўрабоев хусусий тадбиркор. У шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси ҳовлисида оҳак пишириш хумини ўрнатди. Сўнг ҳе йўқ-бе йўқ, табиий газдан ўғринча фойдаланаверган. Обиджон Расулов Шаҳрихон туманидаги Сарой қишлоғида тагчарм ва калиш ишлаб чиқарадиган цех очган. Лекин ҳеч қандай ҳужжатсиз, шартнома тузмасдан тагчарм қуйи қолипларини қиздириш учун ўчоққа газ улаб олаверган.

Худди шунингдек, қандолатчилик цехи, хусусий ошхона очиб, табиий газдан қонунсиз фойдаланганлар ҳам бор. Айниқса, новвойхонасига ўғринча газ қувури тортиб олганларга нима дейишга ҳайрон киши. Ҳалоллик, покликни кўз-кўз қилиб, бошқаларга диёнатлилиги билан ибрат бўлиши лозим бўлган бу касб эгаларининг газдан текин, қонунсиз фойдаланаётганлари учун виждонлари қийналмадимикин?! Ахир нондек покиза неъмат тайёрлаш орқали топиладиган даромадни ҳалоллаб ейиш керак-ку!

Мўътабар заминимиз бойлигини биров у ёққа торткилаётган, бошқаси пулини тўлашдан қочаётган пайтда газчиларнинг ўзлари ҳам бу «кўпкари»дан четда қолгилари келмаганини айтиш пайти келди. Хўжаобод тумани газ таъминоти бўлими назоратчиси Санжар Раҳимовнинг қилиғи бунга яққол мисол бўла олади. Табиий газ учун аҳолидан пул йиғиб олаётганда Санжарнинг нияти бузилади. Газ тўловини амалга ошириш жараёни мураккаб кечаётган маҳалда у жиғилдонини ўйлайди. Оқибатда халқдан тушган нақд пулни ўзлаштириб юборади.

Қўрғонтепа туманида бўлган воқеа эса бундан-да аянчли. Т.Мирзаев деган кимса «Қорасувгазтаъминот» бўлинмаси бошлиғи бўлиб ишлаётган пайтида бўлим устаси С.Жўраев билан жиноятга қўл уради. Яъни, «Ойбулоқ» корхонасига қарашли оҳак цехи бошлиғидан ўтган йилнинг июнь-август ойлари учун 450 минг сўм пулни нақд олади. Пулни кассага кирим қилмасдан, ўз манфаати йўлида сарфлаб юборади...

Сафардан қайтаётиб Избоскан туманидаги тўртбешта хонадонга кирдик. Тумандаги «Ўртоқлар» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Бирлашган» маҳалласида эндигина зангори олов ёнибди. Вилоят ҳокимлиги маҳалладагиларга бундай шароит яратиб бериш учун 7 миллион сўм маблағ ажратганлигини Абдураҳмон ота Исмоилов,— Маҳмуджон бобо Шукуровлар ғурур билан айтдилар.

Маҳалладагилар неча йиллик орзулари ушалганига хурсанд бўлиб, табиий газдан исрофгарчиликсиз фойдаланишу пулини вақтида тўлашга келишиб олибдилар. Андижондаги бошқа маҳаллаларнинг улардан қаери кам?!

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Натижасиз музокаралар

Аджария раҳбари Аслан Абашидзе мухторият ҳудудидаги ҳарбийлашган гуруҳларни қуролсизлантиришни рад этди. Сешанба куни Грузия Бош вазири Зураб Жвания ва Миллий Хавфсизлик Кенгаши котиби Вано Мерабишвили билан ўтказилган музокаралардан сўнг Абашидзе бу ҳақда маълум қилди.

Музокаралар Батумидаги Олий Кенгаш биносида беш соатдан ортиқроқ вақт давом этди. Зураб Жваниянинг журналистларга берган интервьюсида таъкидланишича, Абашидзе билан қуролсизланиш борасида бирор келишувга эришиш қийин.

## Муносабатларни совуқлаштиришда айбламоқда

**Хитой ҳукумати Тайван президенти Чень Шуйбянни икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни совуқлаштиришга уринаётганликда айбламоқда. Расмий Пекиннинг бу норозилик чиқиши Тайван ҳукуматининг 2008 йилга бориб мамлакат янги конституциясини қабул қилишни режалаштиргани билан боғлиқ. Ҳукумат вакилининг Пекинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида журналистларга айтишича, Хитой оролнинг қайта қўшилишини истайди.**

***Ироқ кундан-кунга жаҳоннинг энг оғриқли нуқталаридан бирига айланиб бормоқда. Шунинг учун АҚШ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича янги резолюция қабул қилишини сўраяпти. Бу ҳақда президент Жорж Буш Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилди.***

"Мен Хавфсизлик Кенгаши Ироқни тиклаш ишларида бошқа мамлакатларнинг ҳам иштирокини таъминлайдиган янги резолюция қабул қилишини истайман", деди у.

Президентдан олдинроқ АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ҳам Ироқда ҳокимият маҳаллий раҳбарларга ўтгунга қадар шундай резолюция қабул қилинса, маъқул иш бўлишини айтган эди.

# АҚШ янги резолюция тарафдори

Коалицион кучлар раҳбарлари Ироқда НАТОнинг ролини ошириш ҳақида ҳам фикрлар билдиришмоқда. Жорж Бушнинг қайд этишича, ҳозир Колин Пауэлл ва мамлакат мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳамда НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа вазирлари альянснинг ролини расмийлаштириш масаласини ўрганишмоқда. Агар бу масалада бир қарорга келинса, яқин келажакда Ироқ чегараларини қўриқлаш бутунлай НАТО ихтиёрига топширилиши мумкин.

Булар ҳаммаси Ироқ ҳудудидан ташқарида бўлаётган гаплар, албатта. Мамлакатнинг ўзида эса мана, бир неча кундирки, коалицион кучлар ва жангарилар ўртасида тўқнашувлар юз бермоқда. Натижада ўнлаб, юзлаб одамлар қурбон бўляпти.

Хўш, бу можароларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Айрим сиёсатчиларнинг таъкидлашича, АҚШ ҳукумати бошқарувни тезроқ маҳаллий раҳбарларга топшириши лозим. Шунда мамлакатда тинчлик ўрнатилиши мумкин.

Бизнинг мақсадимиз ҳам шу, деди Буш. — Ваъдамиздан қайтмоқчи эмасмиз. Шу йилнинг 30 июнь куни Ироқ бошқаруви маҳаллий ҳукуматга топширилади. Лекин уларнинг тинчлигини таъминлаш масаласини ҳам унутмаслик зарур. Биз Ироқда тинчлик ўрнатиш учун қанча вақт зарур бўлса шунча қоламиз. Бир кун ҳам ортиқча қолмоқчи эмасмиз. Ҳозир мамлакатда юз бераётган воқеалар, айрим сиёсатчилар таъкидлаётганидек, халқ қўзғолони эмас, балки мамлакатда вазиятнинг издан чиқишидан манфаатдор кучларнинг ишидир.

Оқ уй раҳбарининг қайд этишича, Ироқдаги нотинчликка, аввало, Саддам Ҳусайн режими тарафдорларининг қолган-қутганлари, шунингдек, "ХАМАС" ва "Ҳизбуллоҳ" террорчилик ташкилотлари томонидан очиқдан-очиқ қўллаб-қувватланаётган Мўхтад Садр бошлиқ радикал ислом гуруҳлари рахна солмоқда. Бундан ташқари, учинчи куч ҳам бор. Улар Ироқда қўпорувчиликлар уюштириш учун бошқа давлатлардан келган ёлланма террорчилардир.



Ҳозир Ироқда АҚШнинг 135 минг аскари бор. Агар зарурат бўлса, ҳукумат қўшимча кучлар юборишга тайёр, деди Оқ уй раҳбари. Жорж Бушнинг таъкидлашича, Америка Ироқда тинчлик ўрнатиш учун барча имкониятларни ишга солади ва албатта тез кунда бу юртда осойишталик ўрнатилишига эришади.

**Б. УММАТОВ.**



# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Банкни ўмармоқчи эди



"Интерфакс" тарқатган хабарга кўра, Запорожье шаҳрида Биринчи халқаро Украина банкининг маҳаллий бўлимини портлатиб юборишга таҳдид қилган бир одам ушланди. Қўлга олиш тафсилотлари ҳозирча ошкор этилгани йўқ. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Виктор Ольховскийнинг хабар қилишича, номаълум шахс банк идорасига кириб, катта миқдорда пул талаб қилган.

Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига қараганда, у руҳий касал бўлиши мумкин.

## Жангарилар билан тўқнашув

**Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда полициячилар ва жангарилар ўртасида отишма бўлди. Тўқнашув оқибатида полициячи ва бир жангари ўлди, беш нафар полиция ходими жароҳатланди. Учта жангари воқеа жойидан қочишга улгурган.**

## Милошевич талаби



Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич Халқаро трибуналга бир неча шахсларни гувоҳлик бериш учун чақирилишини талаб қилмоқда. Хабарингиз бор, у ўтган асрнинг 90-йилларида собиқ Югославияда юз берган фуқаролар уруши даврида бир қатор ҳарбий жиноятларни содир этганликда айбланмоқда. Милошевич талаб қилаётган гувоҳлар рўйхатида АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ҳам бор.

## Суиқасднинг ташрифга алоқаси йўқ



**Исроил президенти Моше Кацав расмий ташриф билан Будапештда бўлган пайтда, унга нисбатан суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўраётганликда гумон қилиниб, уч нафар араб миллатига мансуб кимса қамоққа олинган. Бироқ маҳаллий полиция вакили қўлга олинганларнинг Исроил президенти ташрифи билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, қўлга олинганлар террорчилик уюштиришга ҳаракат қилишган.**

**Ҳозирча ҳибсга олинганлар қайси мамлакат фуқаролари эканлиги ошкор этилгани йўқ.**

## Вақт қисқариб, фасллар алмашмоқда

Сайёрамизда кейинги йилларда иқлим тез-тез ўзгариб турибди. Маълумотларга кўра, XX асрнинг тўқсонинчи йилларида заминимиз энг иссиқ даврни бошдан кечирган. Ўтган йилги жазирама эса иқлим ўзгариши XXI асрда ҳам давом этишини исботлади. Соҳа ходимларининг фикрича, агар бу жараён тезлашиб, ер юзидаги ҳарорат тобора кўтарила бошласа, инсоният учун нохуш оқибатлар юз бериши мумкин.

Хўш, ҳароратнинг ошиб бораётгани нималарга боғлиқ? Бу борада мутахассисларнинг фикрлари қандай?

Германиялик олимлар ўтган йили Европада ёз фасли ҳаддан ташқари иссиқ келганини ҳисобга олиб, бу жараённинг келгусида ҳам давом этишини башорат қилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, асримиз сўнгига келиб сайёрамиздаги йиллик ҳарорат 1990 йилга нисбатан ўртача 1,4-5,8 даражага кўтарилиши мумкин. Табиийки, иқлимнинг исиб бориши натижасида чўл ҳудудлари кенгайиб, океан, денгиз ва дарёлар соҳилларида сув тошқинлари кўпаяди.

Германияда ўтган йили ҳарорат бир ой давомида 30 даражадан пастга тушмади. Баъзи кунлари эса 40 даражадан ҳам ошди. Гамбургдаги метеорология институти олимларининг ҳисоб-китобича, Германияда ёз фаслидаги қурғоқчилик 10-20 кунга чўзилса, Европанинг жанубий қисмида бу жараён 50 кунгача давом этиши мумкин. Узлуксиз давом этадиган жазирама эса кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Чунки, ўтган йилги ёзнинг иссиқ келиши сайёрамизнинг ғарбий ярим шарида жойлашган ўттиздан ортиқ мамлакатда 35 минг кишининг ўлимига сабаб бўлди. Олимлар ҳароратнинг кўтарилиб боришини ҳаво таркибида чиқинди газларнинг кўпайиб бораётгани билан изоҳламоқда.

Масалага илмий ёндашувчилар иссиқликнинг асосий сабаби атмосферага углеродли газларнинг кўп миқдорда чиқарилаётганида, дейишмоқда.

Мутахассислар тадқиқотларига қараганда, 1991 йилдан бошлаб Ер эгилган ҳолатидан ўз магнит ўқини жанубий-ғарб томонга 30-32 градусга тикламоқда. 20 йил (1982-2002 йиллар) мобайнида қутбларнинг силжишига оид маълумотларни ўрганган Париж Ер институти ҳамда Копенгаген фазо институти олимлари Ернинг магнит майдони билан боғлиқ ҳодисаларни тадқиқ этиб, коинот миқёсидаги бу жараёнда Шимолий ва Жанубий қутблар ўзаро ўрин алмашади, дея бонг урмоқда. Шмидт номли Ер физикаси институти директори А.Диденконинг айтишича, магнит қутбларининг ҳаракати Ер ядросининг иш тартиби ўзгариши туфайли тезлашмоқда.

Ўз магнит ўқини коинот қонунлари асосида тиклаётган Ердаги ўзгаришлар сайёра бағридаги ҳаётга ҳам таъсир кўрсатиши айни ҳақиқат. Ернинг ўз ўқи атрофидаги айланма тезлиги ортди. 1991 йилгача сайёранинг ўз ўқи атрофидаги айланма тезлиги соатига 2000 километрни ташкил этган бўлса, энди бу тезлик соатига 3 минг километрга етди. Натижада вақт қисқариб, фасллар алмашинуви 40-42 кунга илгарилаб кетди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши оқибатида ер атмосферасига чиқариб ташланган газ 24,1 миллиард тоннани ташкил этди. Кейинги юз йил давомида чиқинди газларнинг ҳаво таркибидаги ҳиссаси 31 фоизга ортган. Агар нефть ва кўмир истеъмол қилиш миқдори ҳозиргидек давом этса, 2050 йилга бориб ҳаво таркибидаги чиқинди газлар икки, 2100 йилда эса тўрт баробар кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган асрда ҳароратнинг ошиш ҳолати кўпроқ 1900-1940 йилларга тўғри келган. 1940-1975 йилларда эса кескин совиш кузатилган. Таъкидлаш жоизки, бу даврда ҳам атмосферага кўп газ чиқарилган. Демак, дунёдаги исиш жараёни фақат ҳаводаги углеродли газ миқдорига боғлиқ эмас.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўрта асрларда сайёрамизда ҳарорат ҳозиргига нисбатан 1-2 даража юқори бўлган. Ундан кейин XIX асрга қадар "кичик музлик" даври ҳукм сурган. Бу даврларда ҳали саноат ривожланмагани ва ҳавога углеродли газ чиқарилмагани маълум. Ўтказилган тадқиқотлар дунёнинг исишида инсон омилини инкор қилса-да, бу борада бир тўхтамга келиш мушкул бўлиб турибди.

Чунки сўнгги 100 йил мобайнида Ер юзидаги иқлим ўзгаришида табиат ва инсоннинг роли тўлатўкис аниқланганича йўқ. Яна бир муаммо шуки, ҳаво ҳароратининг ошиши океанларда сув сатҳининг 60 сантиметргача кўтарилишига сабаб бўлар экан. 1980 йилга келиб Шимолий муз океанидаги музликлар эриб 10 фоизга қисқарган. Бу жараён давом этаверса, баъзи орол мамлакатларнинг сув тагида қолиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Муаммо бўйича мутахассислар фикр ва мулоҳазалари якдил. Уларнинг таъкидлашларича, агар инсоният ўз фаолиятини ўзгартириб, туб ислоҳотлар олиб бормас ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда зарур чора-тадбирлар кўрмас экан, иқлим ўзгариб бораверади.

**Беҳбуд БОТИРОВ.**

## *Голливуд фильмлари сабабчи*




Британияликларнинг аксарияти Уинстон Черчиллни адабий қаҳрамон бўлган деб ҳисоблашади. Шу билан бирга улар Робин Гуд ва қирол Артур қачонлардир шу юртда яшаганига ишонадилар.

Тадқиқотчилар бу маълумотларни британияликларнинг тарихий шахслар ва воқеалар ҳақидаги фикрини билиш учун ўтказилган сўровнома натижаларидан билиб олдилар. Сўровнома натижасида аҳолининг 63 фоизи Англияни қачонлардир Этелред II бошқарганини билмасликлари, Адольф Гитлерни эса афсонавий қаҳрамон деб ўйлашлари ҳам маълум бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай нотўғри тушунчаларнинг шаклланиб қолишига Голливуд фильмлари айбдор.

## *Энг сабрли одам*

Лотереяда 23 миллион доллар ютиб олган Канада фуқароси Раймонд Собески энг сабрли одам дея тан олинди. У мамлакат тарихида энг катта жек потни қўлга киритган бўлса-да, ютуқни олиш учун орадан бир йил ўтгач келди.

Лотерея ташкилотчилари ютуқли билет йўқолиб қолди, деб ўйлашган эди.

Ҳозир Собески аввалги ишини ташлади. Айни пайтда у шахсий ферма сотиб олиш ва дунё бўйлаб саёҳатга чиқишни режалаштирмоқда.

*Кеча Македонияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакат фуқаролари шу йилнинг февраль ойида авиаҳалокатда фожиали ҳалок бўлган мамлакат президенти Борис Трайковский ўрнига давлатнинг янги раҳбарини сайлаш учун овоз бердилар. Бу сиёсий тадбирда тўрт киши кураш олиб борди. Улар Бош вазир Бранко Црвеновский, Миллий ҳаракат етакчиси Сашко Кедев ва албан миллатига мансуб фуқаролар Гезим Острени ҳамда Зуди Жалилийдир.*

## Македония: Барқарорлик сари

Сайловолди жараёнларда барча номзодлар мамлакат иқтисодиётини кўтариш устувор йўналиш эканини таъкидладилар. Аммо сиёсатчиларнинг фикрича, мазкур сайловларда Бранко Црвеновскийнинг имкониятлари бошқаларникидан кўра яхшироқ.

Македонияда президентликка сайланиш учун номзодни овоз берувчиларнинг камида 50 фоизи қўллаб-қувватлаши лозим. Акс ҳолда иккинчи тур сайловлар 28 апрель куни бўлиб ўтади. Кечаги сайловларда 300 нафардан зиёд халқаро кузатувчилар қатнашди.



Кузатувчилар ушбу сайловлар, одатдагидек, оддий сиёсий тадбир эмаслигини таъкидлашмоқда. Чунки Трайковскийнинг кутилмаганда авиаҳалокатга учраб, оламдан кўз юмиши мамлакатда беқарорлик вужудга келиши хавфини туғдирди. Фожиадан сўнг давлат раҳбарининг асосий ваколатлари мамлакат ҳукуматига ўтган бўлса-да, македонлар (улар кўпчиликни ташкил қилади) ва албанлар яшайдиган мазкур мамлакатда миллий низолар келтириб чиқаришга уринишларнинг олдини олишда президентнинг роли муҳим. Масалан, 2001 йили ўша пайтда президент бўлган Трайковский мамлакатда Македония хавфсизлик кучлари ва албан жангарилари ўртасидаги қуролли тўқнашувларни бартараф этиш учун уларни музокара олиб боришга кўндирганди.

Умуман, Трайковскийнинг Македония тарихидаги ўрни беқиёс. Мамлакат тарихидаги энг ёш президент бўлган Трайковский 1999 йили давлат раҳбарлигига сайланди. У ўз юртида миллий тотувликни сақлаш, иқтисодий ўсишини таъминлаш ва Македониянинг Европа Иттифоқига интеграциялашувига катта эътибор қаратди.

Аммо февраль фожиасидан сўнг мамлакатда юзага келган қалтис ҳолат ва сўнгги пайтларда қўшни Косоводаги этник можаролар давлат хавфсизлигига бўлган хатарни кучайтирди. Мамлакатда иқтисодиётнинг ўсиши сусайганлиги ҳамда ишсизлар сони 35 фоизгача етгани ҳам бунга қўшимча бўлди.

Македония ҳукумати шуларни ҳисобга олган ҳолда янги президент сайлаш муҳимлигини чуқур англаб етди ва тез орада сайловлар ўтказишга қарор қилди.

Кеча ўтказилган сайловлар мамлакат барқарорлиги ва тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Сайловларнинг дастлабки натижалари бугун маълум бўлади.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Ўсмирлар уйларига қайтишди

Шри-Ланкада «Тамил йўлбарслари» айирмачилари билан биргаликда жанг қилаётган 100 нафардан ортиқ ёшлар ва ўсмирлар ўз уйларига қайтишди. Шундан сўнг мамлакат ҳарбийлари томонидан полковник Карун бошчилигидаги тамил жангариларини йўқ қилиш амалиётлари бошланди. Тахмин қилинишича, Карун ҳозирда мамлакат шарқидаги чангалзорларда яшириниб юрибди. Ҳукумат берган маълумотга таяниб тарқатилган хабарларда айтилишича, мабодо полковникнинг ўзи кечирим сўраб келмаса, айирмачилар йўқ қилинади.








| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6-та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5-та тўғри топилган сон учун | 501 400 | 0 | 0 |
| 4-та тўғри топилган сон учун | 501 400 | 23 | 21 800 |
| 3-та тўғри топилган сон учун | 1 754 900 | 432 | 4 062 |






*Миллий дастур ниҳоллари*

# Дарслик ижарага берилади

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини дарслик ва бошқа зарур ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилган. 2-синфдан бошлаб дарсликлар сотуви ташкил этиляпти. Албатта, уларни харид қилишда барча ота-она ва ўқувчиларнинг имконини бир хил даражада, деб бўлмайди.

Шу боис «Она ва бола» давлат дастурига биноан 2001-2002 ўқув йилидан ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули синовдан ўтказилмоқда. Синов Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Мазкур банкнинг «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси менежери Гўзал Тугеева берган маълумотларга кўра, ижарадан тушган маблағлар мактабларда очилган махсус ҳисоб рақамларида сақланади ва уларни на халқ таълими тизимидаги ташкилотлар, на мактаб раҳбарияти дарсликлар билан таъминлаш ижарасидан бошқа мақсадга ишлата олмайди. Бундай жамғармаларнинг бошқарилиши, жумладан, барча операцияларни батафсил ёритувчи банк ҳисоботини олиш, текшириш ва назорат қилиш вазифаси лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) зиммасидадир.

Шартга кўра, ўқувчи мактаб кутубхонасидан ижара ҳақини тўлаш эвазига ўқув йили давомида фойдаланиш учун дарсликлар олади. Қисқаси, дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ижара ҳақини тўлаш, китобдан фойдаланиш ва ўқув йили охирида уни яхши сақлаган ҳолда қайтариб топширишни ташкил этади. Айни пайтда мазкур тизим ота-оналарнинг оғирини енгил қилиш билан бирга уларнинг фарзандларини дарслик билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Мутахассислар фикрича, ижара тизимидаги дарсликлар нисбатан арзон ва сифатли. Бунинг учун, аввало, тизимдаги дарсликларнинг матбаа сифати юқори ва мазмун жиҳатидан 4-5 йилга қўлланилиш имкони бўлишига алоҳида эътибор беріляпти. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги дарсликларни яратиш ва харид этишни танлов асосида амалга оширмоқда. Натижада уларнинг матбаа сифати яхшиланди, таннархи арзонлашди ва умумтаълим мактабларида муқобил дарсликлардан фойдаланиш имкони яратилди.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи республикамизда ижара тизими учун чоп этилган бир неча дарсликнинг сифати ва матбаа пишиқлигини Буюк Британиянинг «Пайра» ташкилоти экспертизасидан ўтказди. Мазкур ташкилот дарсликларнинг айрим жиҳатига эътироз билдирганига қарамай, уларнинг матбаа сифати бўйича 4-5 йил ишлатиш имкони борлиги ҳақида хулоса берди.

— Жойлардаги умумтаълим мактабларини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш жараёни билан қизиқдик.

— Ҳақиқатан ҳам, ижара тизими учун харид қилинган дарсликларни жойларга етказиб бериш долзарб муаммо бўлиб турибди, — дейди Г.Тугеева. — 2001-2002 ўқув йилида ижара тизимини жорий этиш бўйича ўтказилган тажриба-синов вақтида дарсликларни мактабларга етказиб беришга ҳаракат қилинди ва аксарият вилоятларда бунга эришилди ҳам. Аммо бу вазифа кўнгилдагидек уддаланяпти, деб бўлмайди.

Муаммони оқилона ҳал этиш йўли — дарсликларни етказиб берувчиларни очиқ танлов асосида белгилашдир. Бундан ташқари, мактаб маъмурияти учун дарсликларни қабул қилиш бўйича йўриқнома тайёрлаш вақти келганини ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдик.

Ижара дарсликлар бошланғич захира сифатида ҳукумат томонидан ижара тизимига кирган мактаб ўқувчиларига етарли миқдорда етказиб берилади. Шу мақсадда харид қилинган дарсликларнинг очиқ сотувга чиқарилиши тақиқланган. Уларнинг муқовасида махсус белги — «ДАЖ» (Дарсликларнинг айланма жамғармаси) ва «Сотувга чиқариш тақиқланган» деган ёзув бор.

Айни пайтда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули босқичма-босқич амалга ошириляпти. Ҳозир 4, 5, 9-синф ўқувчилари муайян дарсликларни шу усулда мактаб кутубхона жамғармаларидан олишлари мумкин.

Аксарият вилоятларда дарсликлар ижараси ўзини тўла оқлаётгани мазкур тизимга мамлакат миқёсида ўтиш учун шарт-шароит етилганидан далолат беради.

**Б. БЕҲБУД.**







*Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!*

**«ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ**
**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**
**ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Иншоот номи**
**1. Қарши шаҳри темир йўл касалхонаси томини капитал таъмирлаш.**

***Қурилиш муддати — 2004 йил ноябрь ойи.***
***Бошланғич нархи — 140. 626. 000 сўм.***

***Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Қарши темир йўл касалхонаси.***
***Манзил: Қарши шаҳри, Хазрат Башир кўчаси.***
***Телефон: 227-53-78.***

Қурилиш ишларини молиялаштириш темир йўл касалхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 51-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.***
***Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.***

**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, Хазрат Бошир кўчаси.**



**КРАХМАЛ ШИННИСИ (ПАТОКА)**
*(маккажўхоридан)*
**ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ПИВО ПИШИРУВЧИЛАР УЧУН**



*Телефонлар: 111-04-44, 152-75-72.*
*E-mail: makscomp@globalnet.uz*


## Триатлончиларимиз ютуғи

Триатлон бўйича Ўзбекистон терма жамоаси халқаро мусобақаларда 2000 йилдан буён иштирок этиб келмоқда. Аммо шу қисқа фурсатда кўплаб ғалабаларга эришишга улгурди. Филиппинда бўлиб ўтган Осиё чемпионати триатлончиларимиз учун яна бир синов бўлди. Мусобақаларда Япония, Хитой, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Ҳиндистон каби 19 мамлакатдан келган 150 спортчи қатнашди. 23 ёшгача бўлган тоифада иштирок этган мамлакатимиз термаси умумжамоа ҳисобидан Япония ва гонконглик триатлончилардан сўнг учинчи ўринни эгалллашди.


**«Бухоро ёғ» ОАЖ акциядорларининг 2004 йил 15 апрелга белгиланган навбатдаги умумий йиғилиши қолдирилади. Мажлис ўтказиш куни қўшимча эълон қилинади.**



WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT

**2004-2005 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИ ЭЪЛОНИ**

**Тошкент халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) Буюк Британиянинг илғор олий таълим тажрибасини ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиёдаги ягона ўқув юртидир. Университет талабаларни Лондондаги Вестминстер университетининг ўқув дастурига асосан Британия нусхасидаги бакалавр дипломи даражасини олиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:**

| | |
|---|---|
| **БИЗНЕС** | **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ** |
| **ИҚТИСОД** | **БИЗНЕСДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ** |

**Абитуриентларни қабул қилиш (танлаш мезонлари) шартлари**

***Абитуриентлар қуйидаги билимларни эгаллаганликларини кўрсатишлари лозим:***
- *Инглиз тили — Халқаро инглиз тили тест тизими (IELTS) бўйича камида 5.5 балл ёки TOEFL тизими бўйича камида 500 баллга эга бўлишлари зарур. Муфассалроқ маълумот олиш учун университетга мурожаат қилинг.*
- *Математика — Лондон Вестминстер университети маъқуллаган, Тошкент халқаро Вестминстер университетининг математика бўйича кириш имтиҳон тестлари.*
- *Умумтаълим ихтисослиги курсига ҳужжат топширган абитуриентнинг ёши ўқув йили даврида камида 17да бўлиши лозим. Шу билан бирга абитуриентлар ўрта маълумотлари ҳақидаги етуклик аттестатининг нусхасини тақдим этишлари зарур.*
- *Бакалавриат курсига ҳужжат топширган абитуриентларнинг ёши ўқув йили даврида камида 18да бўлиши лозим. Шу билан бирга абитуриентлар камида Ўзбекистон олий ўқув юрти биринчи курсини рейтинг кўрсатгичи 70% дан кам бўлмаган ҳолда тамомлаган бўлишлари лозим.*

***Грант***
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат гранти Тошкент халқаро Вестминстер университети кириш грант-тести ва IELTS (ёки TOEFL) тестларида умумий талабалар сонидан энг юқори натижа кўрсатган 40% талабага умумтаълим соҳасидаги курсда ўқишга берилади.
- Давлат гранти фақат Ўзбекистон фуқароларига берилади.

***Бошқа маълумотлар***
- *Ўқиш давомида йигит талабалар ҳарбий тайёргарлик курсларига синов натижалари бўйича қабул қилинадилар.*
- *Вилоятлардан келган талабалар ётоқхона ва Тошкентда вақтинча яшаш ҳуқуқини берувчи қайднома билан таъминланадилар.*
- *Университет Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган, кам таъминланган оилаларда яшовчи абитуриентларнинг темир йўл транспорти (ёки автобус) сафар харажатларини қоплайди. Бунинг учун маҳаллий бошқарув идоралари томонидан оила даромади кўрсатилган ва туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома ва йўл чиптаси тақдим этилиши лозим.*

***Аризаларни қабул қилиш***
- *Аризалар ва ҳужжатлар йил давомида қабул қилинади.*
- *Ариза шаклларини университетдан олиш мумкин.*
- *Тўлдирилган аризаларни қабул комиссиясига қайтариш лозим.*
- *2004 йилнинг 5 июли давлат грант-тестига аризалар қабул қилишнинг сўнгги куни ҳисобланади. Грант-тест июлнинг иккинчи ҳафтасида қабул қилинади.*
- *Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестатнинг асли, паспортнинг нусхаси, 086-шаклдаги тиббий маълумотнома, паспорт ҳажмидаги 8та фотосурат, таълим ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларга тегишли ҳужжатлар, талабанинг рейтинг дафтарчаси ва унинг нусхаси (2-курсга кирувчилар учун), ҳарбий хизматга чақирув рўйхатидан ўтганлиги ҳақида ҳужжат (йигитлар учун).*

**Қабул комиссиясининг иш соатлари: душанба-чоршанба, соат 9.00дан 13.00гача ва 14.00дан 17.00гача.**
**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин:**
**Ўзбекистон, 700000, Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 12-уй.**
**Тел.: +(99871) 132-27-74.**
**www.wiut.uz Интернет саҳифаси**
**ёки э-почта: advice@wiut.uz**



WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT

**STUDENT INTAKE ANNOUNCEMENT 2004**

**Westminster International University in Tashkent (WIUT) is a new university and the only one in Central Asia offering UK Qualifications. WIUT in partnership with the University of Westminster, London, UK offers a range of degree level qualifications and successful students will receive the appropriate qualification of the University of Westminster.**

**WIUT is pleased to announce the intake of students for the session 2004/2005 for the full-time courses in:**

| | |
|---|---|
| **BUSINESS** | **LAW** |
| **ECONOMICS** | **BUSINESS COMPUTING** |

***ENTRY REQUIREMENTS – ADMISSION CRITERIA***
- ***Applicants must be able to demonstrate they have achieved the following:***
- *English – A score of 5.5 or 6.0 on IELTS the official English language test for entry to the Westminster International University in Tashkent. Contact the University for Details.*
- *Maths – Either a pass in the WIUT Entrance test in maths, approved by the University of Westminster. Or have a recognised equivalent Maths qualification.*
- *Applicants for the CertFS - Foundation Studies course should be at least 17 years old in the year of study at WIUT and have a certificate of the secondary education,*
- *Applicants for all undergraduate equivalent courses should be at least 18 years old in the year of study at WIUT and should have successfully competed the first year of any university of Uzbekistan with at least 70% rating score, or have 'A' level equivalent academic background.*

***SCHOLARSHIPS***
- *There are limited numbers of Presidential Scholarships available on the Certificate of Foundation Studies only. The number of scholarships will be 40% of the total number of students.*
- *Presidential State Scholarships will be offered to students with outstanding performance in the WIUT Scholarship Test and official English (IELTS or TOEFL) exams.*
- *Please note that State Scholarships are available only to Uzbek citizens.*

***OTHER INFORMATION***
- *Male students will have an opportunity to take military training courses at the WIUT.*
- *Accommodation is available for students from the regions.*
- *WIUT will cover the expenses of transportation to Tashkent by train/bus for applicants, who are from Khorezm region or Republic of Karakalpakstan, and are unable to pay the travel expenses.* ***The Makhalla Committee should certify the financial position of the applicant*** *and the school/university administration and train/bus ticket should be submitted.*

***ADMISSION PROCESS***
- *Applications can be made at any time of the year.*
- *Application forms are available at the enquiry centre in the University.*
- *Completed applications can be returned to the Academic Registrar's Office.*
- *The deadline for applications for State scholarships is 5th July 2004. The WIUT Scholarship Test will take place during the 2nd week of July.*
- *A candidate can submit the documents at any date prior to the enrolment. The full pack of documents is a school leaving certificate, 8 photos, "086" medical certificate, copy of the passport, copy of military recruit registration card (for male applicants only).*

**The Admissions Office work hours are: Mon-Weds 9:00 – 13:00 and 14:00 to 17:00 hours**
**Further information on applications can be obtained from:**
**12, Yu. Okhunboboyev Street, Tashkent, 700000 Uzbekistan**
**Tel.: +(99871) -132 27 74, 132 46 54**
**or visit: www.wiut.uz**
**e-mail: advice@wiut.uz**

